# МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

**Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигида ўтказилган йиғилишда вазирлик раҳбарияти, вазирлик девонининг бўлим бошлиқлари, концерн раислари ҳамда Тошкент шаҳридаги алоқа корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этишди. Йиғилишни Алоқа вазири К. Р. Раҳимов олиб борди.**

Ҳар ойнинг биринчи душанбасида Вазирлик ҳайъатида тармоқ олдида турган долзарб вазифа ва муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш масалаларини муҳокама этиш анъанага айланган. Бугунги кунда соҳага дахлдор катта ёки кичик масалаларни бирдек ҳал этиб бориш лозим. Ҳозирги пайтда уларнинг барчаси муҳимдир. Гоҳида кичик муаммодан ҳам мураккаб вазият вужудга келиши мумкин. Шу боис Вазирлик ўтказаётган мазкур учрашувда турли хил муаммолар ўртага қўйилиб, уларни ҳал этиш йўллари белгилаб олинади. Айрим ҳолатларда у ёки бу масалада вазир буйруғи билан зарур чора-тадбирлар белгиланади.

«Ўзбекалоқаинвест» концерни раиси А. Т. Тоғайлиев Алоқа вазирлигининг корхона раҳбарлари томонидан асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни ман этувчи шошилинчномаси хусусидаги масалани кўтарди. Унинг фикрича, агар мазкур кўрсатмага амал қилинадиган бўлинса, у ҳолатда асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни Вазирлик ўз зиммасига олишига тўғри келади. Ваҳоланки, бундай йўл тутиб бўлмайди. Ушбу масала юзасидан Алоқа вазири тушунтириш берди. Бу борада Вазирликнинг бошқарув ва мол-мулк бўлими тегишли йўл-йўриқларни ишлаб чиқиши лозим. Жумладан, Вазирлик хизмат бинолари, алоқа иморатлари, автотранспортни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга бўлса, қолган асосий воситалар масаласини корхоналарнинг ўзлари ҳал этиши лозим деб топилди. Буни барча корхона раҳбарлари маъқуллашди.

Яқинда Чехия сафаридан қайтиб келган республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи К. Р. Усмонов бирлашма корхоналари учун эҳтиёт қисмлари олишга келишилгани хусусида сўзлаб берди. Аммо ўзаро ҳисоб-китоблар учун 10 минг доллар керак. Бу маблағни жумҳурият ҳисобидан олишга тўғри келади.

Вазир ўринбосари В. А. Кравченконинг «Ўзбекалоқаинвест» концерни томонидан Тошкент вилоятининг Искандар посёлкасида тайёр ҳолда ишга тушириладиган янги АТС қурилиши хусусидаги ахбороти тингланди. Мазкур тажриба сифатида қад кўтарадиган қурилишнинг молиявий, лойиҳавий, моддий-техникавий таъминоти ҳужжатлари тайёр бўлиб, уни фойдаланишга қабул қилиш мумкин. Вазир буйруғи билан ташкил этилган комиссия бир неча бор қурилишда тўпланиб, зарур масалаларни ҳал этди.

800 рақамли АТС қишлоқда янги усулда қурилаётган биринчи бинодир. Унинг буюртмачиси — Тошкент вилоят электр алоқаси корхонаси банкдан қарз олиб, барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади. «Ўзбекалоқаинвест» концерни 9 ой мобайнида буюртмачининг иштирокисиз мустақил равишда барча лойиҳада кўрсатилган қурилиш-монтаж ишларини бажаради. Асбоб-ускуналарни ишга тушириб, буюртмачи қўлига бинонинг калитини топширади.

Шунингдек, В. А. Кравченко шу йилнинг октябрь ойида Тошкент, Самарқанд, Нукус шаҳарларида бўлиб ўтадиган йирик халқаро тадбирларга намунали алоқа хизмати кўрсатиш ва нутқларни бевосита бошқа тилларга ўз вақтида таржима қилинишини таъминлаш хусусида гапирди. Ўзбекистон ҳукумати ишбилармонлар, санъат намоёндалари иштирокидаги йиғилишларга алоҳида аҳамият бермоқда. Шу боис учрашувларни жаҳон андозаларига мос ҳолда ўтказишга алоқачилар ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Алоқа ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси раиси Т. Н. Назаржонов айрим алоқа корхоналарида Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг шу йил 1 сентябрдан ойлик маошлар миқдорини ошириш тўғрисидаги Фармони бажарилмаётганини эслатди. Айниқса матбуот тарқатиш корхонасидаги айрим дўкон сотувчилари ҳамон республикадаги энг кам иш ҳақи миқдорида маош олишмоқда. Зеро, бу соҳадаги ўртача иш ҳақига нисбатан анча камдир. Зудлик билан бу масалани ҳал этиш даркор. Маъмурият билан ҳамкорликда барча алоқа ходимларини бахтсиз ҳодисалардан муҳофаза этиш мақсадида уларни суғурта қилдириш керак.

Шаҳарлараро ва халқаро алоқа маркази бошқармаси бошлиғи Р. Х. Рамазонов шу йил 3 октябрь кечки пайтда Москва билан боғланувчи шаҳарлараро телефон алоқа канали ўчириб қўйилгани хусусида тушунтириш берди. Бу Россия пойтахтида оммавий тартибсизликлар юз бериб, «Останкино» телекомпаниясини қўлга киритишга ҳаракат қилинган чоғда юз берди. Шуни айтиш лозимки, алоқанинг йўқолиши техник сабабларга боғлиқ бўлиб, иш ҳажми кўплиги туфайли юзага келган. Қисқа вақт ичида алоқа тикланишига эришилди. Шунингдек, йиғилишда афсус билан таъкидландики, Россияда юз берган нохуш воқеалар икки ўртадаги ўзаро ҳамкорликка салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли бор. Ҳозирча Россия билан ҳисоб-китоб ишлари тўхтаб қолган. Шу боис зарур эҳтиёт қисмлари, материаллар, асбоб-ускуналар олиш ва улар учун пул ўтказишнинг ноанъанавий йўлларини излаб топиш даркор. Бу борада «Промсвязь» бирлашмаси бошлиғи А. М. Галкин ва бошқалар ўз фикрларини билдиришди.

Алоқа вазири К. Р. Раҳимов Вазирлик бугунги шароитда алоқа корхоналари, айниқса вилоятлардаги почта ва электр алоқаси хизмати қандай фаолият кўрсатаётгани хусусида етарли маълумотга эга эмаслигини таъкидлади. Шу боис октябрь ойида барча алоқа корхоналари раҳбарларини Вазирликка таклиф қилиш, 9 ой якунлари бўйича режадаги ишларнинг қандай бажарилаётгани, капитал қурилиш, тармоқни ривожлантириш, хизмат сифатини яхшилаш, фаолиятни янада такомиллаштириш, алоқачиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилган ишлар хусусида ҳисоботларини эшитиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, йиғилишда 1993 йилни муваффақиятли якунлаш ва 1994 йил вазифалари ҳам муҳокама этилди. Ҳар бир раҳбарга ўз корхонаси ишини таҳлил этиб, юзага келган муаммоларни тезкорликда ҳал этиш учун имконият берилди. Ўтган даврдаги ишни бошқариш ва хўжалик юритишдаги йўл қўйилган камчиликларга далил сифатида «Ўзбекистон почтаси» концерни томонидан почта маркалари учун буюртма бериш мисол қилиб келтирилди. Маркага талаб 200 миллион дона бўлган ҳолда унга 5 миллиард буюртма берилган. Агарда бу буюртма ўз вақтида бекор қилинмаганда корхонани молиявий инқирозга олиб келиши муқаррар эди. Бундан ташқари, йиғилишда шу куннинг бошқа масалалари ҳам муҳокама этилди.

# ТАЪМИРЛАШ МАРКАЗИ

Автомат телефон станциялари тармоғини бошқариш жараёни ўзига хос кўп техникавий юмушларни талаб этади. Шаҳар телефон тармоғига электрониканинг кириб келиши бу мураккаб техник жараёнларни сифатли бошқариш учун катта имкониятлар очиб берди.

Бугунги кунда Чилонзор телефон тугунида электрон АТСдан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Унинг имкониятларини амалиётда унумли тадбиқ этиш борасида ҳам кўп изланишлар олиб борилмоқда.

Электроника «тили» билан бемалол муомала қила оладиган муҳандислар сафи анча кенгайди. Айниқса, АТСда учраб турадиган носозликларни тузатиш ихтисослиги пухта эгалланмоқда.

АТСларда учраши мумкин бўлган носозликларни бартараф этиш жараёнини сифатли ва кенг кўламда амалга ошириш мақсадида шаҳар тармоғида электрон АТСларни таъмирлаш марказини очиш кўзда тутилди. Ушбу марказ замонавий техника асбоб-ускуналари ва қурилмалар билан тўла жиҳозланди.

**Акбар АЛИЕВ**



**Тошкентлик ёш техниклар янги роботни синовдан ўтказмоқдалар.**
**Сураткаш Р. АЛЬБЕКОВ**

# НУКУСДА ПОЧТАМТ ҚУРИЛАЁТИР

Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг пойтахти аҳолиси бундан бир неча йил муқаддам мижозлар гавжум бўлган почтамтдан маҳрум бўлишганди. Хизмат кўрсатишга яроқсиз деб топилган бинони ёпишга тўғри келди. Почтамтнинг юмушларини шаҳардаги алоқа бўлимлари ўз зиммасига олишди. Хуллас, ўз биносига эга бўлмаган собиқ почтамт хизмат кўрсатишни давом эттириб келди.

Мазкур масала бир неча бор мухтор жумҳурият Вазирлар Кенгашида, Алоқа вазирлигида ўтказилган йиғилишларда муҳокама этилди. Аҳоли ва почта ходимлари почтамтнинг ёпилиши билан муроса қилишмай, янги бино қуриб беришни ёки ишлашга мос жой топиб беришни талаб қилишарди.

Алоқа вазирлиги бу муаммони ҳал этишга киришди. 1990 йили «Ўзгипросвязь» институти Нукус шаҳрида янги почтамт учун керакли лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб берди. Афсуски, иш бошлашга имкон бўлмади. Ҳужжатлар ўрганилиб, тегишли ташкилотлар билан келишилган ҳолда қурилиш учун ер ажратиш билан шуғулланилган пайтда имкониятлар бой берилди. Дафъатан иш тўхтаб, бу юмуш билан ҳеч ким шуғулланмай қўйди. На мухтор жумҳуриятда, на Алоқа вазирлигида бинони қуриш учун маблағ йўқ эди.

Барибир йўли топилди. Мухтор жумҳурият Вазирлар Кенгаши ва Алоқа вазирлиги бу вазифани ўз зиммасига олиб, ҳамкорликда иш тутишга келишиб олишди. Шу боис жорий йилда иш бошланди. Ўтган 8 ой мобайнида 28 миллион сўмлик иш бажарилди. Қурилиш учун маблағни Алоқа вазирлиги алоқа корхоналари раҳбарлари кенгаши томонидан тузилган марказлаштирилган жамғармадан ажратди.

Бугунги кунда қурилишда иш қизғин. Кун сайин бино қад ростламоқда. Аммо қурилишни мунтазам маблағ билан таъминлаш масаласи ўзини эслатмоқда. Шу пайтгача Вазирлар Кенгаши қурилиш учун ўз чекидаги маблағни ажратмади. Алоқа вазирлигининг йил учун мўлжалланган пули тугаб боряпти. Балки қорақалпоғистонлик халқ ноиблари бу ишни ўз назоратларига олишиб, Нукус почтамт қурилишига ёрдам беришар...

Шак-шубҳа йўқки, Нукус почтамти ҳамма учун зарур. Модомики шундай экан, Нукус шаҳар ҳокимиятидаги ўртоқлар ташаббусни ўз қўлларига олиб, қурилиш тўхтаб қолмаслиги учун зарур чора-тадбирларни кўришлари мақсадга мувофиқдир.

**А. КУДИНОВ**

# АНТИҚА ХИЗМАТ

**Телефон узоқни яқин қилади деб бежиз айтишмайди. Унинг беминнат хизматидан кўпчилик унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Аммо Челябинск шаҳрида телефон орқали кўрсатилаётган янги хизмат тури антиқа ҳисобланса ажаб эмас.**

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шаҳардаги жинсий алоқага эҳтиёж сезган ҳар бир шахс бу ниятига... телефон орқали «етиши» мумкин. Бундай хизматнинг ҳар бир дақиқаси учун 200 сўм тўланади. Шу боис чўнтагини кўпроқ ўйлаган мижоз ўз хоҳишини тезроқ қондириш қўйида бўлади. Ваҳоланки, истакни қондириш мазкур хизматда турган 12 нафар қизнинг усталигига ҳам боғлиқдир.

# ИШЧАН ЖАМОА

«Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар» деб бежиз айтишмайди. Чироқчи туманидаги телефон тармоғининг ишини кузатиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Бундан бир йилча муқаддам АТСдаги эски ускуналардан воз кечилиб, «Квант» электрон тизими ўрнатилган эди. Шуниси қувонарлики, айни кунларда бу тизим бенуқсон ишламоқда. Унинг афзаллиги яна шундаки, ускуналар ихчам бўлиши билан бирга компьютерлашган. Агар биронта мижознинг телефони ишламай қолса, олдингидек усталарнинг ҳадеб АТСни кавлаштиришига ҳожат йўқ. Чунки бутун носозликни компьютер бир зумда аниқлаб беради. Шу сабабли тумандаги телефон хизмати такомиллашиб, мижозлар олқишига сазовор бўлмоқда.

Илгари алоқачилар 800 га яқин мижозга хизмат кўрсатишган бўлишса, бугунга келиб уларнинг сони 1500 дан зиёддир. Хизмат кўрсатиш сифати ошганлиги туфайли аҳолидан тушаётган шикоятлар камайиб кетди, телефон носозлигидан арз қилувчилар вақти тежалди.

Ишни бугунги талаблар асосида ташкил этаётган Абдураҳмон Йўлдошев бошлиқ жамоада Отавулла Умиров, Ҳамза Эшонқулов, Саттор Усмонов ва Омон Ҳакимов каби ўз касбини пухта эгаллаган кишилар меҳнат қилишади. Уларга ҳар қандай юмушни ишониб топшириш мумкин.

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида тармоқ ходимларини ижтимоий ҳимоялаш доимо назоратда бўлмоқда. АТС маъмурияти ва касаба уюшмаси хизматчиларнинг меҳнатига яраша моддий тақдирлашни йўлга қўйишган. Олинган соф даромадга қараб ходимлар ҳар ойда моддий рағбатлантирилиб, тушликка қўшимча маблағ ажратилган. Кам даромадли оилаларга ўз вақтида моддий ёрдам кўрсатиляпти. Узоқ йил шу корхонада меҳнат қилганларга ҳам баҳоли қудрат мадад берилмоқда.

**Э. ЭШОНҚУЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти**



Тошкент метросининг «Беруний» бекати.

Суратчи Ш. ИБРОҲИМ.

# ТЕЛЕФОН ТУШИРИШ ТАШВИШИ

**Бугунги кунда ўз уйида телефон жиринглашини кутиб турганлар кўплаб топилади. Узоқни яқин қилувчи бу хизмат туридан фойдаланишга талаб кундан кун ошиб бормоқда. Афсуски, барчанинг истагини бирдан қондиришнинг иложи йўқ. Шу боис телефонда сўзлашув онларини узоқ кутишга тўғри келади. Қуйида Россия Федерациясида телефонлаштиришга оид баъзи маълумотлар билан танишасиз.**

Россия Федерацияси Алоқа вазирининг ўринбосари А. Алёшиннинг таъкидлашича, мамлакат аҳолисининг телефон хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш учун катта ҳажмда иш олиб боришга тўғри келади. Ғарбий Оврўпо мамлакатларида телефондан фойдаланиш қатлами 50-60 фоиз бўлиб, барча хонадонлар сим орқали ер юзининг истаган нуқтаси билан боғланишлари мумкин. Бу рақам Россияда бор-йўғи 13 фоизни ташкил қилади. Тўғри, Москва шаҳридаги хонадонларнинг 94 фоизи телефонлаштирилган. Аммо 2 миллион аҳолиси бўлган Новосибирскда фақат ўндан бир хонадоннинг уй телефони бор.

Умуман, 1992 йили РФдаги шаҳарда яшовчи ҳар 100 нафар аҳолининг 19,6 фоизи, қишлоқларда эса 8,8 фоизида телефон бор. Ёки бўлмаса, қишлоқдаги 16,2 фоиз, шаҳардаги 39,7 фоиз оила кўчага чиқмасдан сим қоқиши мумкин. Шаҳар жойларида 9 миллион 957 минг, қишлоқда 832 минг нафар киши телефон тушириш навбатида турибди. Ўтган йили шаҳардаги 649 минг, қишлоқдаги 129 мингта ариза инобатга олинган. Бу йил мамлакат бўйича 630 минг телефон аппарати ўрнатилади. Шундан 615 мингтаси аҳоли учун ажратилган.

Бугунги кунда Россия телефонлаштириш бўйича Қозоғистон, Словакия, Венгрия билан теппа-тенг юради. Телефон муаммосини ҳал этиш Туркманистон ва Польшага қараганда бир мунча яхши. Аммо Болтиқбўйи мамлакатлари, Словения, Болгарияга нисбатан Россия орқада.

Хўш, вазиятни ўнглаш учун нима қилиш керак? Россия Алоқа вазирлиги 10 йил ичида 20 миллион рақамга эга бўлган АТСни ишга туширишни мўлжаллаяпти. Шунингдек, 50 та шаҳарлараро телефон станцияси, 50 минг километр алоқа йўллари фойдаланишга топширилади. Агар бу ишлар амалга оширилса, телефондан фойдаланиш қатлами 29,3 фоизга етиб, ҳар икки оиладан бири телефонли бўлади.

Маълумки, Россияда давлат мол-мулкини хусусийлаштириш давом этмоқда. Ўз навбатида алоқа корхоналари ҳам бу тадбирдан четда қолишмаган, АТСлар хусусийлаштирилгач, ўз-ўзидан хизмат ҳақлари ҳам ошиши турган гап. Олинган фойда ойлик маошни кўтаришга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя этишга сарфланиши мумкин. Бундан кейин ҳам хизмат ҳақларининг ошиши аниқ. Алоқа корхоналари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиб, ҳар бир пайчининг тармоқни ривожлантириш борасидаги мажбурияти аниқ-равшан белгиланади. Агар мазкур шартлар бажарилмаса пайчи шахслар ҳиссадорлик ҳуқуқидан маҳрум этилади. Ҳозир ҳиссадорлик жамиятларида маблағлардан фойдаланиш давлат томонидан назорат қилинмоқда.

Бугунги кунда телефон ўрнатиш учун хизмат ҳақи ҳар хилдир. Бу муаммони ҳудудлардаги алоқачиларнинг ўзлари маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда белгилашмоқда. Нарх-наво кўтарилган ва асбоб-ускуналар нархи ошган бир пайтда бундан бир неча йил олдингидек асосан давлат томонидан тарифлар белгилаш имкони йўқ. Аммо хизмат ҳақини тўлашга қурби етмаганлар нима қилишади? Ногиронлар, меҳнат фахрийлари, кам даромадли оилалар тижорат йўли билан телефон тушириш бахтидан маҳрумдирлар. Ҳар бир АТС бошлиғи олдида икки жумбоқ туради: кимникига телефон туширсин? Ҳеч вақо унмайдиган ногироннинг уйи телефонлашсинми ёки исталган пулни берувчи тижоратчининг ҳожати чиқсинми? Албатта, бу масалада пулдор шахснинг имконияти юқоридир, Ночорга станция керакли миқдордаги маблағни ажратади. Зеро, бу имтиёз ҳаммага насиб этавермайди.

Юқорида баён қилинган фикрлардан кўриниб турибдики, кўпчиликда уй телефони бўлмагач, албатта кўча-куйдаги, жамоат жойларидаги таксофонлардан фойдаланишга мажбур. Афсуски, таксофонларнинг бугунги аҳволи талабга жавоб бермаяпти. Хўш, бу борада қандай иш олиб бориш кўзда тутилган? Тажриба ва кўп йиллик кузатиш шуни кўрсатдики, кўча телефонларидан пулли фойдаланиш мавжуд экан, албатта. Улар мунтазам бузилиб туради. Шу боис қисқа сўзлашув ҳақини тўлашда қўл келадиган магнитли карточкалардан фойдаланиш вақти келди. Россия Федерациясида шундай қулай карточкалар бу йил муомалага чиқарилади. Аммо бунинг учун жами таксофонларни алмаштириш лозим. Ваҳоланки, Россияда 400 мингта таксофон мавжуддир. Ночора, тез орада бу масалада ўзгариш бўлишига умид қилиб бўлмайди.

# САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**— Ишим юзасидан тез-тез хизмат сафарида бўлиб тураман. Ҳозирги пайтда бир кечалик харажатлар учун қанча миқдорда ҳақ тўланади? Шу тўғрисида маълумот берсангизлар.**

**Ҳакимжон МУРОТОВ,**
**Сирдарё вилояти**

— Кейинги вақтда истеъмол моллари ва маиший хизмат учун ҳақнинг кўтарилиб бориши туфайли сафарда бўлувчиларнинг бир кечалик харажатлари миқдорини ошириш лозимлигини тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу муносабат билан 1993 йил 16 августдаги фармойиши билан бир кечалик харажатлар борасида давлатимиздан ташқарига чиқувчилар учун энг кам иш ҳақининг 12 фоизи, Тошкент ва вилоят марказларида бўлганлар учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ва қишлоқларида бўлганда эса энг кам иш ҳақининг 8 фоизи миқдорида ҳақ тўлашни белгилади.

**— Алоқачи электромеханик ва электр монтёрлари махсус иш кийимлари билан таъминланадими?**

**Адҳамжон ҚОБИЛОВ,**
**Марғилон шаҳри**

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида баён қилинишича: «Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек ўта ноxуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиланган меъёрларда махсус кийим, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дизенфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқатлари бепул берилади». Юқоридагилар маъмурият ва ходимларнинг ўзаро шартномаси ва битимида кўзда тутилиши лозим.

**Ҳуқуқшунос**
**М. ТУРҒУНОВ тайёрлаган**

• *Обуна—94*

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР КЎЗГУСИ

Қадимий ва ёш Ўзбекистон давлатида ижтимоий тафаккур тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, миллий мафкурани ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатаётган ижтимоий-сиёсий, тарихий-бадиий, миллий «Мулоқот» журнали халқимиз дилидаги орзу-истакларни ифодалайди. Журнал саҳифаларида Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш юзасидан республикамиздаги таниқли адиблар, файласуфлар, давлат ва жамоат арбоблари ўзларининг дил сўзларини айтадилар.

Бу йил журнал саҳифаларида чоп этилган мақолаларда атоқли шарқшунос олим Абдусодиқ Ирис «Чаҳор ёр» туркумидан Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб ҳаёти ва аъмоли ҳақида ҳикоя қилди. Устоз тарихчи Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темурга мактублар» туркумида ҳозирги давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётининг мураккаб муаммолари қаламга олинди. Ҳамид Зиёевнинг «Ноҳақ тўкилган қонлар» мақоласида Россия мустамлакачилиги яна фош этилди. Рустам Шамсутдиновнинг «Босмачилик ҳақида ўйлар» мақоласида Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг янги саҳифалари очилди.

«Мулоқот» дафинаси рукнида миллий урф-одатларимиз, халқ табобати, уй-рўзғор ишларига оид фойдали маслаҳатлар бериб бориляпти. Энг муҳими — «Мулоқот» саҳифаларида янги туғилган мустақил давлатимизни мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган ва ҳал этилиши кутилаётган муаммоларга кенг ўрин берилмоқда.

«Мулоқот» журнали саҳифаларида бундан кейин ҳам миллий истиқлол мафкураси, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларга доир энг муҳим мақола ва суҳбатлар, адабий, тарихий, маданий меросимизнинг дурдона асарларидан намуналар доимий бериб борилади. «Қуръони карим» ва Ҳадисларнинг тафсирлари, азиз-авлиёлар ҳаётига доир янги тадқиқотларни ёритиш давом эттирилади.

Шарқ алломаларидан имом Муҳаммад Ғаззолийнинг «Иҳъйаул-улум-ад-дин» («Диний илмларнинг жонланиши») кўп жилдли йирик асарининг мухтасар нусхаси — «Кимиёи саодат» китоби асрлар давомида мадрасаларда ислом дини аҳлоқий фалсафасининг гўзал намунаси сифатида ўқитиб келинади. «Мулоқот»да 1994 йил 1-2-сонларидан бошлаб, шу дурдона асардан боблар доимий бериб борилади. Бу каби дурдона асарлар барча соҳалардаги зиёлилар, мураббийлар ва талабаларнинг маънавий-руҳий камолотига ҳаётбахш таъсир кўрсатиб, ислом қадриятларини ўрганишга ёрдам беради деб умид қиламиз.

**М. МАҲМУДОВ,**
**«Мулоқот» журналининг бўлим мудири**

Республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат фахрийси

**Михаил Прокопьевич РУБАНнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этиб, уларга сабр-тоқат тилайди.

Республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси уруш ва меҳнат фахрийси

**Петр Павлович ЛАВРИНнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этиб, уларга сабр-тоқат тилайди.

